

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ

«ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ» факультети

«ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ»
кафедраси

5620300 - «ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ» БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-ТАНИШУВ АМАЛИЁТИНИ
ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

КИРИШ

Ўқув танишув амалиёти 5620300 «Транспорт логистикаси» таълим йўналишида тахсил олаётган талабаларнинг 1 курсда ўтилган фанлардан олган назарий билимларини мустахкамлашга мўлжалланган бўлиб, олган кўникмаларини шакллантириш, турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган автомобиль транспорти корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти, транспорт жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш тўғрисида тасаввурга эга бўлишларига ёрдам беради, бошқарув ходимлари фаолиятини ўрганиш имкониятини яратади.

1. Амалиётнинг мақсади

5620300 «Транспорт логистикаси» таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўқиш жараёнида олган назарий билимларини турли мулкчилик шаклидаги соҳа корхоналари фаолияти билан танишиш ҳамда мутахассислиги бўйича амалий кўникмалар хосил қилиш амалиётнинг асосий мақсади қилиб белгиланган.

2. Амалиётнинг вазифалари

Амалиёт мақсадига эришиш учун талаба куйидаги вазифаларни хал қилиши керак:

- амалиёт давомида корхоналар таркибий тузилмаси ва улар фаолиятини ташкил қилиш тамойиллари билан танишиш, транспорт жараёнини ташкил этиш ва бошқарув масалаларини ечишда қарорлар қабул қилишнинг ўзига хос жихатларини ўрганиш;
- бошқарувнинг турли поғоналарида ишлаётган ходимларнинг кундалик фаолияти билан танишиш ва улар қабул қилаётган ечимларда иштирок этиш;
- амалиёт давомида кундалик иш юритиш, расмийлаштирилаётган хужжатлар билан танишиш, илмий-тадқиқот ишларига ва курс ишларига маълумотлар тўплаш.

3. Амалиёт ўтказилишини ташкил этиш

Кафедрада ўқув-танишув амалиётини ўтказишдан олдин юк ва йўловчи ташувчи автотранспорт корхоналари, автобус ва таксомотор саройлари, автомобилсозлик ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналарининг танлаб олиши зарур.

Ўқув-танишув амалиётини олиб бориш учун қуйидаги корхоналар тавсия этилади:

- «Тошшахарюктранс» концернининг автокорхоналари;
- «Тошшахартрансхизмат» уюшмаси автобус ва таксомотор саройлари;
- «Тошқурилиштранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси;
- Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тизимидаги корхоналар;
- Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси;
- «Автотеххизмат» тизими корхоналари;
- «Ўзавтосаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналар;
- Ангрен Ҳалқаро логистика маркази;
- «UNIVERSAL LOGISTICS SERVICES» МЧЖ;
- «Ўзбекқўмир» АЖ;
- «Турксиб магистраль» МЧЖ;
- «Автомаргистраль» ИАЙҚТБ.
- «TA LOGISTICS GROUP LP» МЧЖ;
- Автомобиль ва йўл хўжалиги соҳасидаги лойиҳалаш, илмий-текшириш муассасалари, хусусий ва бошқа корхоналар.

Талабалар амалиётини ўтказишдан олдин кафедрада йиғилади ва қуйидаги маълумотларни оладилар:

- амалиётни ўтказиш ва уни расмийлаштириш тартиби ҳақида маълумот;
- меъёрий-услубий хужжатлар тўплами-амалиёт ўтадиган корхонага хат, амалиёт йўриқномаси, кундалик ва бошқалар.

Амалиётга ўқув-услубий раҳбарлик ихтисослик кафедраси томонидан олиб борилади ва ўқитувчи-раҳбар тайинланади. Талабалар амалиёт объектининг ходимлар бўлимига кеганларида корхона томонидан албатта амалиёт раҳбарини тайинлаш билан расмийлаштириладилар. Амалиётнинг

Ўтказилишини назорат қилиш ва амалиёт маълумотларини тўплашда ўз вақтида ёрдам кўрсатиш кафедра ўқитувчиси амалиёт раҳбари томонидан амалга оширилади. Талабалар амалиёт бошида корхона техник хавфсизлиги ва ички тартиб қоидалар бўйича йўриқномалар билан танишдилар. Институт томонидан тайинланган раҳбар амалиёт ўтказиш учун тақвим режа тузади. Талабалар корхона вакили билан биргаликда техника хавфсизлик бўйича инструктаж ўтказадилар. Раҳбар талабаларни қайси корхоналарда амалиёт ўтиши ва ҳисобот учун қандай маълумотлар тўплаши кераклиги билан таништиради. Раҳбар амалиёт ўтиш жараёнида экскурсия ташкил қилади, корхонанинг умумий фаолияти, унинг хизматлари ва бўлимлари билан талабаларни таништиради.

4. Ўқув-танишув амалиётининг таркиби

Ўқув-танишув амалиётини ўтиш даврида талабалар олган маълумотлар ва ҳужжатлар асосида ўзининг билимини мустаҳкамлашга ва кўникмалар ҳосил қилишга ёрдам беради. Амалиёт даврида талабалар қуйидаги саволларни мукамал ўрганиши керак:

- корхонанинг ташкил бўлиш тарихи;
- корхоналарнинг ташкилий тузилмаси;
- ташишларни ташкил этиш хизматининг вазифаси;
- молия ва режалаштириш бўлимининг вазифаси;
- ишлаб чиқариш техникавий бўлимининг вазифаси;
- бошқа бўлимларнинг вазифалари.

5. Амалиёт бўйича ҳисоботга қўйиладиган талаблар

Амалиёт ўтганлиг ҳақида ҳисобот қуйидагилардан ташкил топган бўлиши керак:

1. Титул варағи (1 иловада келтирилган намуна бўйича)
2. Кундалик бажариладиган ишлар қайдномаси ва хажми, ўтказилган тадбирлар.

3. Амалиётни босқичма-босқич бажарилиши тўғрисида маълумотнинг мазмуни.

6. Амалиётчи - талабаларнинг мажбуриятлари

Талаба амалиётни ўташда қуйидагиларга мажбур:

- амалиёт дастурида кўзга тутилган вазифаларни тўлиқ бажариш;
- корхонада амалдаги ички тартиб қоидаларга бўйсунуш;
- техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини ўрганиш ва қатъий тартибда амал қилиш;
- кундалик тутиш ва унда бажарилган иш мазмуни, зарурий рақамли материаллар, маъруза ва суҳбатларнинг мазмуни ҳақида ёзиб бориш.

7. Амалиёт бўйича ҳисобот

Амалиёт тугагандан сўнг талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлайди. Ҳисоботда ушбу кўрсатма 4-бўлимида кўрсатилган саволларга жавоб ёзиши керак. Ҳисобот ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқилган, кўрилган, баҳоланган, амалиёт раҳбари томонидан имзоланган ва корхонанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Худди шундай ҳолда амалиёт бўйича кундалик расмийлаштирилади. Амалиёт бўйича ҳисобот ва кундалик кафедрага, институт томонидан тайинланган амалиёт раҳбарига топширилади. Кафедрада ҳисобот текширилгандан сўнг, талаба амалиёт бўйича комиссия олдида уни химоя қилади ва баҳоли синовдан ўтади. Хайъат таркибига 2 кишидан кам бўлмаган ҳолда кафедра аъзолари киради.

Амалиёт дастурини бажармаган, ўқув-танишув амалиёти раҳбарининг салбий тавсифини олган талаба қайтадан амавлиётни ўтиш учун ўқув семестри даврида дарслардан сўнг соҳа корхоналарига юборилади. ни ўтказадиган талаба эслатма келтирилган. Ўқув-танишув амалиётини якуни бўйича талабалар ҳисоботини расмийлаштириш учун 1, 2, 3 - иловаларда шакллардан фойдаланади. Амалиёт кундалигини шакли 4 - иловада келтирилган.

Ўқув-танишув амалиётини ўтказиладиган талабага 1 - эслатма

1. Корхонага боришдан олдин амалиёт раҳбари, кафедра ўқитувчиси йўл-йўриқ, кўрсатма бериб, барча талабаларга қуйидагиларни топширади:
 - амалиёт кундалиги;
 - амалиёт дастури.
2. Амалиёт ўтказиш жойига етиб келган талаба корхонанинг ходимлар бўлимида расмийлаштирилиши керак.
3. Амалиёт жойига келган талабалар корхона томонидан бириктирилган амалиёт раҳбарига амалиёт дастурини кўрсатиши лозим.
4. Талабалар техника хавфсизлиги бўйича кўрсатма олиш, иш жойи билан танишиши, корхонадан бириктирилган раҳбар билан амалиётни ўтиш жойини аниқлаб олиши лозим.
5. Талабалар корхонанинг мавжуд бўлган ички тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт.
6. Амалиёт тугагандан сўнг корхона томонидан бириктирилган раҳбар хисоботни ва кундаликни кўздан кечириши, ўзининг тақризини ва мулохазаларини ёзиши керак.
7. Корхонанинг ходимлар бўлимида иккита муҳр билан (“келди”, “кетди”) тасдиқланган йўлланмани олиши лозим.
8. Амалиёт бўйича хисобот ҳам корхонанинг муҳри билан тасдиқланиши керак.

**Ўқув-танишув амалиёти бўйича хисоботни химоя қилиш учун
талабага 2-эслатма**

Ўқув-танишув амалиёти бўйича хисоботни топшириш учун кафедрага тақдим этиш шарт:

- корхонадан бириктирилган раҳбар томонидан имзоланган ва корхона мухри билан тасдиқланган амалиёт бўйича хисобот;
- корхонадан бириктирилган амалиёт раҳбари томонидан имзоланган ва амалиёт жойида корхонанинг иккита мухри (“келди”, “кетди”) билан тасдиқланган кундалик;
- комиссия олдида амалиёти бўйича хисоботни химоя қилиш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

**«ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ» факультети**

«ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИ»

кафедраси

**Ўқув-танишув амалиёти бўйича
ХИСОБОТ**

Амалиёт ўтаган корхона

Курс 1, _____ гуруҳ талабаси (ф.и.ш.)

Корхона томонидан

Амалиёт раҳбари: (ф.и.ш.)

Институт томонидан

Амалиёт раҳбари: (ф.и.ш.)

Тошкент 201__

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ
«ЙЎЛ ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ» факультети**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

декан **Усманов З.Т.**

АМАЛИЁТ КУНДАЛИГИ

_____ амалиёт 201_ - 201_ ўқув йилида
(амалиёт тури)
_____ факультет _____ йўналишида
_____ курс _____ гуруҳ талабаси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)
Амалиёт _____ да ўтказилади
(корхонанинг номи)

АМАЛИЁТ ЎТИШ МУДДАТИ

Ўқув режасига асосан бошланиши “__” _____ охири “__” _____
Амалиётга бориш куни “__” _____ амалиётдан қайтиш куни “__” _____

ИНСТИТУТ ТОМОНИДАН ТАЙИНЛАНГАН АМАЛИЁТ РАЎБАРИ

“Транспорт логистикаси” кафедрасидан _____
(лавозими ва фамилияси, исми, отасининг исми)

КОРХОНА ТОМОНИДАН ТАЙИНЛАНГАН АМАЛИЁТ РАЎБАРИ

_____ (лавозими ва фамилияси, исми, отасининг исми)
1. Амалиёт бўйича кафедранинг топшириғи _____
_____ _____
2. Талабага қўшимча топшириқ _____
_____ _____

Кафедра мудири

Саматов Ғ.А.

Амалиёт топшириғини қабул қилдим _____ 201__ й

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ПҚ – 3151-сонли қарори. Тошкент. 2017 йил 27 июль.

2. 5620300 «Транспорт логистикаси» бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари. Т.: ТАЙЛҚЭИ, 2017 йил.

3. Ш.А.Бутаев, Қ.М.Сидиқназаров, А.С.Муродов, А.Ў.Қўзиёв. Логистика. “EXTRIMUM-PRESS”, 2012. - 580 б.

4. Г.А.Саматов, Б.И.Камильджанов, Ф.Р.Галимова. Логистик бошқарув концепциялари ва моделлари. Т.: «Fan va texnologiya», 2015.- 227 б.

5. Г.А.Саматов, Ё.К.Карриева, Б.Б.Пайзиёв. Рақобат муҳитида халқаро транспорт тизими фаолиятининг логистик ишончилиги. Т.: ТДАУ, 2003. - 81 б.